I. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

Жорий йилнинг январь-март ойларида Қашқадарё вилоятида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 4762,6 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 81,5 % ни ташкил қилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, фоизда
(2020 йил январь-март)



Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Ғузор тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 58,2 % ни ташкил этди.

Шунингдек, Нишон тумани 22,4 % ни, Қарши шаҳри 5,0 % ни, Қарши тумани 3,5 % ни, Китоб ва Касби туманларида мос равишда 2,6 ва 2,0 % ни ташкил этди. Вилоятда жами асосий капиталга инвестицияларнинг ҳажмидан энг кам ўзлаштирган ҳудудларнинг улуши Чироқчи туманида 0,5 % ни, Шаҳрисабз шаҳар 0,3 % ни ташкил этди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши

(2020 йил январь-март)

	млрд. сўм	*ўсиш суръати, % да*	*жамига нисбатан улуши, % да*
Асосий капиталга инвестициялар	**4762,6**	**81,5**	**100,0**
шу жумладан:			
Марказлашган инвестициялар:	**2951,2**	**68,7**	**62,0**
бюджет маблағлари	34,1	47,6	1,2
Ўз.Рес. Молия вазирлиги ҳузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	21,8	405,6	0,7
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	-	-	-
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	2895,3	68,6	98,1
Марказлашмаган инвестициялар:	**1811,4**	**117,7**	**38,0**
корхона маблағи	473,6	72,4	26,2
аҳоли маблағи	301,3	102,9	16,6
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	957,3	235,7	52,8
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	79,2	41,0	4,4

Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, фоизда



Марказлашган молиялаштириш манбалар ҳисобидан 2019 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 68,7 % ни ташкил қилди ва унинг ҳажми 2951,2 млрд. сўмни (жами инвестициялар ҳажмининг 62,0 фоизини) ташкил қилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1811,4 млрд. сўм ва ўсиш суръати 117,7 % (жами инвестициялардаги улуши 38,0 %) ни ташкил қилди.

Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан:

- Республика бюджети: **34,1 млрд. сўм**
- Ўз.Рес. Молия вазирлиги ҳузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси: **21,8 млрд. сўм**
- Ўз. Рес. кафолати остида хорижий кредитлар: **2895,3 млрд. сўм**

Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан:

- Аҳоли маблағлари: **301,3 млрд. сўм**
- Корхона маблағлари: **473,6 млрд. сўм**
- Тижорат банклар кредитлари ва бошқа қарз маблағлари : **79,2 млрд. сўм**
- Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар: **957,3 млрд. сўм**

Марказлашган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар маблағлари (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 60,8 %) ҳисобига тўғри келди.

Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция маблағлари (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 20,1 %), корхона маблағлари (9,9 %) ҳисобига тўғри келди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар (жами хажмдаги улуши, %да)



Асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми, яъни жами инвестицияларнинг 60,8 %и Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар ҳисобидан молиялаштирилган. Шунингдек, тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар 20,1 %, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 9,9 %, аҳоли маблағлари 6,3 %, Республика бюджети 0,7 %, тижорат банклар кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан 1,7 % ва Ўз. Рес. Молия вазирлиги ҳузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси 0,5 %, асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби жамига нисбатан, фоизда

(2020 йил январь-март)



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида тоғ кон саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2485,8 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 52,2 % и ўзлаштирилган.

Электр ва газ тармоғи таркибида энг кўп инвестиция ўзлаштирилган фаолият тури қуйидагилар:

-Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш 7,1 млрд. сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 0,2 %);

Тоғ кон саноати тармоғи таркибида энг кўп инвестиция ўзлаштирилган 2 та фаолият тури қуйидагилар:

-Хом нефт ва табий газ саноати 2485,8 млрд. сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 52,2 %);

-Ундан кейинги ўринда ишлаб чиқариш саноатида 641,7 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 13,5 % и ўзлаштирилди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича:
(млрд. сўм ҳисобида)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: тоғ–кон саноатида 2487,7 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 52,2 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 1033,6 млрд. сўм, (21,7 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турида 129,3 млрд. сўм, (2,7 %), қурилиш соҳасида 99,6 млрд. сўм (2,1 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 37,3 млрд. сўм (0,8 %), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлаш фаолият турида 65,2 млрд. сўм (1,4 %), ахборот ва алоқа фаолият турида 6,6 млрд. сўм (0,1 %), таълим соҳасида 2,3 млрд. сўм (0,1 %), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 162,4 млрд. сўм (3,4 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

2020 йил январь-март ойларида асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби:

	Жами	*Давлат*	*Нодавлат*
Жами, *млрд. сўм*	**4762,6**	**95,7**	**4666,9**
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	56,7	78,9	56,3
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари	30,1	17,9	30,4
бошқа харажатлар	13,2	3,2	13,3

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2019 йил январь-мартга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 22,3 фоизли пунктга кўпайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 25,3 фоизли пунктга камайган ва бошқа харажатларнинг улуши 3,0 фоизли пунктга кўпайган.

Шаҳар ва туманлар кесимида асосий капиталга инвестициялар ҳажми қуйидагича ифодаланган:
(2020 йил январь-март)

Шаҳар ва туманлар	Инвестициялар ҳажми млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Улуши %
Вилоят бўйича жами:	**4762,6**	**81,5**	**100,0**
Қарши ш.	236,6	101,1	5,0
Шаҳрисабз ш.	14,2	75,0	0,3
туманлар			
Ғузор	2770,2	2174,8	58,2
Деҳқонобод	58,7	14,2	1,2
Қамаши	67,1	136,4	1,4
Қарши	165,1	102,5	3,5
Косон	36,5	65,2	0,7
Китоб	122,7	176,4	2,6
Миришкор	27,4	83,1	0,6
Муборак	19,1	8,1	0,4
Нишон	1066,2	25,0	22,4
Касби	96,8	284,8	2,0
Чироқчи	24,4	61,6	0,5
Шаҳрисабз	29,7	58,3	0,6
Яккабоғ	27,9	53,4	0,6

Шаҳар ва туманлар кесимида асосий капиталга инвестициялар
(вилоятдаги улуши)



Ҳудудлар кесимида Нишон, Ғузор туманлари ва Қарши шаҳри етакчилик қилаётган бўлсада, Қарши ва Касби туманларидаги инвестицион фаоллик натижасида юқори ўсиш суръатлари қайд этилиб, мос равишда уларнинг вилоятдаги улуши ошиб бормоқда.

Қурилиш фаолияти

2020 йил январь-март ойларида 1058,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 104,7 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, йирик пудрат ташкилотлари томонидан қурилиш ишлари ҳажми 108,3 млрд. сўмни ёки жами қурилиш ишлари ҳажмининг 10,2 % фоизини, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 56,9 % ни ташкил қилди. Кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига жами қурилиш ишлари ҳажмининг 67,5 % ёки 714,7 млрд. сўмга тўғри келди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 118,0 % ни ташкил этди, норасмий сектор ҳиссасига эса 22,3 % ёки 235,6 млрд. сўм тўғри келди, ҳамда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 109,4 % ни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 79,1 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 11,1 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 9,8 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.

Шу жумладан умумий ҳажмдан 76,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган бинолар қуриш ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган биноларни қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил топди. Уларнинг улуши жами қурилиш ишлари ҳажмида 79,1 % ни ташкил этди.

Фуқаролик объектлари қурилиши ҳажми жами қурилиш ишлари ҳажмида 11,1 % ни, ҳамда ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми жорий даврда 9,8 % ни ташкил қилди. Бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми улуши 4,7 % ни ташкил этиб, ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 2,8 % пунктга кўпайди. Бунда кичик ташкилотлар ва микрофирмалар улуши 67,1 % (0,2 % пунктга камайиш) ва норасмий секторнинг улуши 28,2 % ни (3,0 % пунктга камайиш) ташкил этди. Фуқаролик қурилиши обектларини қуриш ишлари бўйича йирик пудрат ташкилотларининг улуши 28,8 % ни ташкил этди ва ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 12,1 % пунктга камайди.

Шунингдек, кичик ташкилотлар ва микрофирмалар улуши 71,2 % ни (12,1 % пунктга кўпайди) ташкил этди. Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари таркибида йирик пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 30,2 % пунктга камайди ва 33,7 % ни ташкил этди. Қолган 66,3 % кичик ташкилотлар ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келиб ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 30,2 % пунктга кўпайди.

Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари қуйидагича ифодаланади

(2020 йил январь-март)

	Жами		*шу жумладан:*	
			Ҳудудий қурилиш пудрат ташкилотлари	
	млрд. сўм	*ўсиш суръати, фоизда*	*млрд. сўм*	*ўсиш суръати, фоизда*
Қашқадарё вилояти	**1058,6**	**104,7**	**77,0**	**41,6**
туманлар:				
Ғузор	57,8	121,3	-	-
Деҳқонобод	24,1	105,4	-	-
Қамаши	32,4	103,0	-	-
Қарши	115,8	107,0	-	-
Косон	80,6	69,6	24,5	26,3
Китоб	67,2	105,5	-	-
Миришкор	25,3	100,5	-	-
Муборак	43,0	104,9	6,7	106,8
Нишон	27,2	102,7	-	-
Касби	39,1	105,4	0,5	17,8
Чироқчи	65,0	103,4	-	-
Шаҳрисабз	29,2	105,7	-	-
Яккабоғ	63,4	104,8	5,0	125,0
Қарши ш.	336,1	116,8	28,2	60,3
Шаҳрисабз ш.	52,4	98,4	12,1	42,1

Йирик пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг ҳудудлар бўйича таркибида Қарши шаҳар етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда бажарилган қурилиш ишларининг 8,4 %и йирик пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган, йирик пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишларининг энг кам улуши Касби туманида кузатилди 1,3 %. Бу ҳудуддаги қурилиш ишларининг асосий қисми норасмий сектор ҳамда кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади ва ҳудуддаги жами қурилиш ишларининг 98,7 % ини ташкил этди.

2020 йил январь-март ойларида қурилиш ишларининг ўсиш суръати (% да)



Қурилиш ишларининг ҳудудлар кесимида энг юқори ўсиш суръати Ғузор туманида кузатилди. Ушбу ҳудуднинг “Тинчлик” маҳалласида арзонлаштирилган кўп қаватли турар жой қурилиши, жисмоний шахслар томонидан “Обод” маҳалласида тўрт қаватли нотурар объектлари қурилиши туфайли ўсиш суръатининг 121,3 % бўлишини таъминлади.

Қарши шаҳрида юқори ўсиш суръати асосан йирик қурилиш ташкилотлари ва жисмоний шахслар томонидан қурилиш ишларининг жадал бажарилганлиги билан боғлиқ.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

(*умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида*)



Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари

Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 1009,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 95,4 фоизини ташкил қилди. Шу жумладан мулкчиликнинг давлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 48,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 4,6 фоизини ташкил қилди.

Ҳисобот даврида Қашқадарё вилояти бўйича жами қурилиш ишлари хажми 1058,6 млрд. сўмни, ундан нодавлат секторининг улуши 95,4 фоизни ташкил қилиб, бу кўрсаткич Қарши шаҳрида 1,6 % улушни (2019 йилнинг мос даврига нисбатан 102,4 фоизга кўпайган), Ғузор туманида 0,7 % улушни (105,6 фоизга кўпайган), Косон туманида 2,3 % улушни (100,1 % га кўпайган) ташкил қилди.

Кичик пудрат ташкилотлари ва микрофирмалар томонидан салмоқли қурилиш ишлари ҳажми Қарши шаҳрида 264,9 млрд. сўм ёки 2019 йилнинг январь-мартга нисбатан 118,0 фоиз, мос равишда Қарши туманида 95,4 млрд. сўм (102,0 фоиз), Чироқчи туманида 49,1 млрд. сўм (103,1 фоиз), Китоб туманида 46,1 млрд. сўм (118,0 фоиз) бажарилди.

Жами қурилиш ишлари ҳажмида, корхоналарнинг янги қурилиши, реконструкция қилиниши, кенгайтирилиши ва техник қайта қуроллантирилишининг улуши 76,6 фоизни, капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларининг улуши эса 23,4 фоизни ташкил этди.